Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 1 май • Шанба • № 50 (14078) • ترکستان • TURKİSTAN • Нархи 5 сўм.

ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

Шарқда қадимдан шундай анъана бўлган: ҳукмдор юртнинг нуфузли кишилари — аҳли фузалою аҳли шуаро билан бамаслаҳат иш юритганлар. Бу машваратларда мамлакатнинг аҳволи муҳокама этилиб, келажакка солинажак йўллар белгиланган. Республика Президенти Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашуви улуғ бобокалонларимиздан қолган ўша одатни эслатди.

ПРЕЗИДЕНТ: Мен бир-икки масала бўйича мулоҳазаларимни айтиб, кейин сизларга сўз берсам, шулар ҳақидаги фикрларингизни билсам, яхши бўлар эди.

Мана, биз ҳозир 130 давлат билан алоқа боғладик, бир қанча ваколатхона ва элчихоналар очилди. Ҳар куни турли давлатларнинг вакиллари келиб, ҳар хил масалаларни ўртага қўяди, лекин шуни айтиш керакки, бу гапларнинг тагида битта маъно бор: кучингиз бўлса, қудратингиз бўлса, мана шу давлатнинг келажагига ишонсагина, сизни ўзига тенг кўриб гаплашади, бўлмаса, менсимайди. Демак, биз келажагимизни мустақил равишда қурмасак, ўзимизни ҳар томонлама ҳимоя қилмасак, ички ва ташқи сиёсатни оқилона ўтказмасак, ҳеч ким бизга астойдил хайрихоҳлик қилмайди.

Мен яқинда юртимизга келган турк дўстларга шундай бир савол бердим: бугунги алоқадан иккала томон ҳам манфаатдор, сиз ҳам фойда кўрмасангиз, балки бу ерда қўшма корхона қуриш, сармоя олиб келишга интилмасдингиз ва бошқа ишларни қилмасдингиз. Бу очиқ гап. Лекин барибир келажакни ўйлаб, XXI асрни ўйлаб, кимдир бизга бирон нарса таклиф қиладими, йўқми? Ўзаро ҳамкорлик, мудофаа масаласи, болаларимизни тарбиялаш, уларнинг аҳил бўлиши хусусида гап юритишимиз лозим эмасми?

Малайзияда, бошқа давлатларда бўлганимда шу нарсага иймон келтирдимки, жаҳон харитасида янги давлат пайдо бўлса, сиёсатдонлар бу давлатнинг интилиши нимадан иборат, келажаги қандай, бу давлат қайси томонга бурилади, бизларга қарши чиқиб қолмайдими деган масалани яхшилаб таҳлил этиб, кейин муносабат ўрнатар экан.

Шунинг учун биз Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини юргизар эканмиз, сезган бўлсангиз, баъзи бировлардан чиққан кўрсатмаларга бўйсунмаяпмиз. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор, деганда шуни тушунмоқ керак. Агар биронта кучли давлатнинг ноғорасига ўйнасак, эртага бизни ҳеч ким назар-писанд қилмайди, тобе, қолоқ давлатлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин. Буни сизлар яхши тушунасизлар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен айтмоқчиманки, ана шу давлатлар билан муносабатни жой-жойига қўйиш, Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик — асосий вазифамиз. Агар шуни вақтида қилмасак, кейин ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яна хом ашё бериб, меҳнат қилиб, роҳатини эса ўзгалар кўрадиган эски аҳволга тушиб қолишимиз мумкин.

Ҳозир Москвада кечаётган воқеаларни олиб кўрадиган бўлсак, юмшоқ курсилардан айрилиб қолган баъзи аламзадалар собиқ Иттифоқни қайтадан тиклаш учун бош кўтаряпти. Бугун энг хавфли нарса шу. Албатта, Россия улуғ, катта давлат. Лекин у бизнинг ҳам хом ашё, тинимсиз меҳнатимиз туфайли буюклашган давлатдир. Чор Россиясининг муқаддас заминимизни ишғол қилиб олишдан асосий мақсади уни ўз манфаати йўлида ишлатиш эди. Тарихдан маданиятни тараққиётни бизга Россия олиб келди, деган гапларни кўп ўқидик. Лекин асосий мақсад бошқа эди. Бу замин бой бўлмаса ёки унинг стратегик, сиёсий аҳамияти бўлмаса бу ернинг ҳеч кимга кераги йўқ эди. Яна шуни очиқ айтишимиз керакки, бундай қараш совет даврида ҳам, афсуски, ўзгармади.

Шунинг учун ҳам кимдир Ўзбекистонга келиб, бирор нарсани қургандир. Лекин қандайдир фойда топмаса, бу ерга келмас, бир тийинини ҳам сарфламас эди. Ўзбекистонда 1965 йилдан бўён қанча олтин қазиб олингани маълум. Кейинги 15 йилда терилган пахтанинг ҳам ҳисоб-китоби аён. Ўзим ҳисоблаб чиққанман: шу давр мобайнида камида 35 миллиард долларлик бойлик — пахта ва олтин марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган. Бошқа нарсалар ҳали бу ҳисобга кирмайди.

Ана шу йиллар мобайнида бизга нима берилган? Ўзбекистонга қилинган ёрдам, сармоялар ўша 35 миллиардга тўғри келадими, солиштириб бўладими? Хуллас, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар бу ердан фо йда кўрмаса, ҳеч ким бир тийин ҳам бермайди. Бу ҳол, айниқса, сўнгги икки йилдан бери анча кўриниб қолди. Биз бойликларимизни ўзимизда қолдираётган пайтимизда улар сезиб қолдики, энди илгаригидек бўлмайди. Пахта майдонини камайтиряпмиз, алмашлаб экишни тартибга солдик. Бу — биринчидан. Иккинчидан — пахтани четга, долларга сотмоқчимиз. Россияни биз билан боғлаб турган нуқта бор, бу кливинг орқали савдо қилиш — Россия ўз нархи билан бизга нефть беради, биз шунга қараб пахта беришга мажбурмиз. Пахтани бермасак, улар бизга нефть бермайди. Мен ҳар доим айтаман: олдимизда турган энг катта ғов шуки, бизнинг коммуникациямиз чатоқ. Иккита темир йўл бор, холос — биридан кирилади, иккинчисидан чиқилади.

Агар мўлжалдаги учта дарвозани очиб олсак, биттаси Жанубга — Карочига, биттаси Ғарбга — Форс кўрфазига, яна биттаси — Хитойга чиқади. Шимолга чиқадиган йўлимиз тайёр. Ҳозир агар қўлимизда пул, долларимиз бўлса ҳам, нефтни бошқа жойдан келтира олмаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозир вазият оғир. Баъзи жойларда қон тўкиляпти, вайронагарчиликлар рўй беряпти. Кўп жойда, айтайлик, аҳвол чатоқ, барқарорлик йўқ.

Ҳозир одамларнинг миясига шундай ақида сингдириляптики, гўё мана шу вайронагарчилик, қон тўкилиши, ўзаро қарама-қаршиликнинг сабаби битта, у ҳам бўлса, собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлиб, парчаланиб кетгани эмиш. Бу энг катта хавф. Шуни тўғри тушуниш керакки, бунинг хавфли жойи — содда одам мазкур масалада алданиб қолиши мумкин. Ҳеч кимга нотинчлик, хонавайронлик керак эмас, қимматчилик керак эмас. Қарияларимиз доимо тинчлик, хотиржамлик бўлсин, деб дуо қиладилар.

СССРни тикламоқчи бўлган кучлар айни шу вазиятдан фойдаланмоқчи. Улар шум ниятларини ниқоблаб шундай демоқдалар: «Тинчлик керакми, эски оилага қайтайлик, унинг тепасида кучли ҳимояси бор эди, ана шунда сизга ҳеч ким зўравонлик қилмайди, биров шундай қилса, бизлар келиб ажратиб қўямиз». Қисқаси, ким яхши — Кремль яхши.

Сизларда оллоҳ таоло ато этган талант бор. Истеъдодсиз одам ёзувчи бўлолмайди, бу кўчага тасодифан кириб қолган дарров билинади. Ҳозир бизнинг мустақиллигимиз, истиқлолимиз тўғрисида матбуотда, телевидениеда яхши гаплар айтиляпти. Бунинг учун сизларга раҳмат. Сизларнинг меҳнатингиз — ҳар бир каломингиз зарур, чунки у маънавий озиқ деган гап.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОНН. 29 апрель. (ЎзАнинг махсус мухбири хабар қилади). Аввал хабар қилинганидек, Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Рихард Фон Вайцзеккер ва Федерал канцлер Гельмут Коль билан учрашди ҳамда бафуржа суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, Германия савдо-саноат палаталари бирлашмаси аъзолари — ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан учрашди. Уларга Ўзбекистондаги ислоҳотлар, иқтисодиётга оид қабул қилинган қонунлар, республиканинг иқтисодий салоҳияти ҳақида сўзлаб берди, кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Кеча И. Каримов «Петерсберг» қароргоҳида Конрад Аденауэр номидаги жамғарма раиси Верд Ланггутни, Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазири Карл-Дитер Шпрангерни, Германия ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасида маданий ҳамкорлик сармояларни муайян қонунлар асосида ҳимоя қилиш, ўзаро иқтисодий ёрдам жамғармаси тузиш ҳақида битимлар имзоланди.

«Шуни рўй-рост айтишим керакки, — деб таъкидлади И. Каримов мухбирлар билан суҳбатда, — биз ГФРга қарз сўраб ёки қандайдир вақтинчалик кўмак берилишини илтимос қилиб келганимиз йўқ. Мақсадимиз — узоқ муддатли, мустаҳкам ҳамкорлик учун замин яратишдан иборат. Кечаги мулоқотларимиз, хусусан, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашувларимиз немис саноатчилари ва ишбилармонлари, шунингдек, зиёлилари, маданият ва фан арбоблари Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга қизиқиб қараётганликларини кўрсатди. Иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кулай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон — хом ашёга бой ўлка. Мамлакатимизни катта бир хазина деса бўлади. Германияда эса юксак даражада ривожланган технология, замонавий техника, энг муҳими — савдо-саноатни ривожлантириш имкониятлари бор. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё бозори Германия ишбилармонларини ғоят қизиқтирмоқда, кеча биз бунга ишонч ҳосил қилдик».

Ўзбекистон Президенти сўзини давом эттириб, яна қуйидагиларни айтди: зўр саноатга, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган Германия жаҳон иқтисодиётида ҳам, сиёсатда ҳам ҳурмат-эътибор қозонган. Германияликлар Ўзбекистонни унчалик билишмайди. Сафаримизнинг энг муҳим мақсади мамлакат жамоатчилигини Ўзбекистон билан, унинг ҳозирги ва келгуси режалари, мақсад ва вазифалари билан таништиришдан, шу тариқа ГФР жамоатчилигини Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлашдан иборат.

ГФР Президенти билан канцлери Ўзбекистондаги, бутун Марказий Осиё минтақасидаги аҳвол билан қизиқдилар, деди сўнгра И. Каримов. Мен уларга келажагимизни нақадар дадил барпо этаётганимиз, конституциямиз тўғрисида, бозор иқтисодиётига ўтаётганимиз ҳақида гапириб бердим. Энди Ўзбекистонни ўтмишга қайтариб бўлмаслигини айтдим. ГФР билан Ўзбекистон ҳамкорлигининг сиёсий жиҳатларини муҳокама қилиш натижасидан ҳар иккала томон мамнун бўлди.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ ГФРга ташрифимиз муваффақиятли бўлди, деб ишонч билан айта оламиз», деди сўзининг охирида Ўзбекистон Президенти.

«Сименс» фирмаси вакиллари билан учрашгач, Ўзбекистон Президенти бошлиқ давлат делегацияси Штутгарт шаҳрига жўнаб кетди. У ерда жаҳонга машҳур «Мерседес бенц» ва бошқа корхоналар фаолияти билан танишиш кўзда тутилган.

ЖАМҒАРМАГА 1 МИЛЛИОН

Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш учун бугун кўпчилик қайғурмоқда. Зеро, соғлом авлодни вояга етказиш умумхалқ ишидир.

Куни кеча Республика «Узтибтехника» ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси ҳамда бир маротаба ишлатиладиган игналар ишлаб чиқарувчи «Медиз» акционерлик корхоналарининг касаба уюшмалари ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан «Соғлом авлод учун» жамғармасига 1 миллион сўм ўтказишга қарор қилдилар.

САМОЛЁТДА УРУҒ СОЧИЛМОҚДА

Сурхондарё вилоятида шоли экиш қизғин тус олди. Ҳаким ат-Термизий номидаги жамоа хўжалигида шоли экишда синовдан ўтган усулдан фойдаланиляпти. Шоликорлар уруғ сепиш учун қишлоқ хўжалик авиациясини ёрдамга чақирдилар.

Шоли экишда авиациядан фойдаланиш қимматга тушадигандек туюлади. Бироқ, тажрибанинг кўрсатишича, сув қўйилган чекларга самолётдан уруғ сепиш ҳосилдорликни 3—4 центнер оширади. Бунда уруғлик бир текис сочилади. Натижада уруғлик ҳам тежалади, экин ҳам бир хил қалинликда бўлади.

ТОЖИКИСТОНГА ЁРДАМ

Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш Ўзбекистон жамғармасининг ташаббуси билан ўн тўртта юк машинаси Андижондан Тоғли Бадахшон вилоятига йўл олди. Биродаркушлик жанжалларидан жафо чеккан аҳолига навбатдаги хайрия ёрдами — 60 тонна ун, 3 тонна пахта ёғи, 2,5 тонна шакар, 600 минг сўмлик турли хил болалар кийим-кечаклари етказиб берилади. Жамғарма бу хайрли ишни Андижон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширди.

— Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам Тожикистонга ёрдам юборишга тайёргарлик кўрилмоқда, — деди жамғарма раиси Алишер Ғуломов. — Ўзбек халқи тожик биродарларини ҳеч қачон ёлғиз қолдирмайди, баҳолиқудрат ёрдам бераверади.

ФЕСТИВАЛЬ ЖАМҒАРМАСИГА

Республиканинг таниқли ашулачиларидан бири Охунжон Мадалиев Фарғонадаги концертида ўзбек халқ қўшиқлари ва замонавий мусиқий композицияларни ижро этди. Политехника илмгоҳи Охунжоннинг гастрол сафарини ташкил қилди. Концертга чипталар сотишдан тушган пулнинг ҳаммаси «Талабалар баҳори-93» республика фестивали жамғармасига ўтказилди.

Ёшлар анжумани жамғармаси муттасил тўлиб бормоқда. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг ташкилотлари, ёшларнинг жамоат бирлашмалари, корхоналар, талабалар жамоалари фестивални ўтказишга маблағ қўшмоқдалар.

ОЧИҚ ДАРС

Хатирчи ноҳиясидаги Тошпўлат Файзиев номли 20-мактабнинг 11 синф ўқувчилари яқинда шундай дарс ўтдилар. Дарсда ноҳиянинг турли мактабларида фаолият кўрсатаётган ўттиздан ортиқ тарих ўқитувчилари иштирок этишди. Мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси Т. Пирматова ўтган бу дарс Республикамиз президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», ҳамда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларини ўрганишга бағишланди. Дарсда ўқитувчилар билан бир қаторда М. Холиқулова, Г. Ширинова ва У. Турдиқулов каби ўқувчилар ҳам фаол қатнашдилар.

Нигора ШОМУРОДОВА,
Хатирчи ноҳияси.

БОСҚИЧ ОРТДА ҚОЛДИ

Тошкент вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXVI конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят қўмитаси биринчи котиби Наима Жабборова, назорат комиссияси аъзоси Рустам Қосимовлар маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Кун тартибида қатор масалалар кўрилди. Вилоят Ёшлар Иттифоқининг Низоми тасдиқланди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби этиб Наима Жабборова, котиби этиб Ғофуржон Раҳимшиқовлар сайланди.

Конференция ишида вилоят ҳокими С. Сайдалиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми биринчи котиби А. Орзиматов, вилоят ХДП Кенгаши биринчи Котиби У. Турғунов қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

УЛАМОЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси уламолар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бошқарма ҳайъати раиси жаноб муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари дам олишлари муносабати ила Баҳоуддин Нақшбандий масжидининг имоми, устоз хожи Мухторжон Абдуллаевга Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъати раиси вазифасини вақтинча бажариб туришларини таклиф этди. Ҳайъат аъзолари муфтий ҳазратларининг таклифларини қўллаб-қувватлаб, жаноб Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф идора раисининг ўринбосари сифатида хизматларини давом эттиришларига қарор қилдилар.

(ЎзА).

3 май куни Фарғонада Ўзбекистон талабаларининг фестивали очилади

Фестиваль олди ўйлари

Фақат кўнгилёзди бўлиб қолмасин

Талабалик йилларига ҳеч нарса етмас экан. Буни олий ўқув юртини битириб, ишташвишлар билан бўлиб кетганларгина яхши тушунади. Фарғонада Ўзбекистон талабаларининг фестивали бўлар экан, деган ҳабарни эшитгач, ўша университет йилларига, сессияю семинарларга ҳаёл олиб қочди.

Талабаларни — халқ дейишади. Талаба халқи! Демак унинг ўзлиги бор. Ўз мустақил фикри, қараши, удум ва камчиликлари мавжуд. Дунёнинг у бурчагидаги талаба билан бизнинг ўзбекистонлик илм толибларининг фарқли жойи кам бўлса керак. Чунки ҳар иккиси ҳам имтиҳонларга, сессияга бир-икки кун қолганда қўлларига китоб олади. Ҳар иккиси ҳам шовқин-суронни, шовшув ва ўйин-кулгини ҳуш кўради. Ва ҳар бири ўзи яшаб турган жамият, давлат учун шахсан жавобгар эканлигини чуқур ҳис қилади.

Буни аудиторияларга бир қадам боссангиз яхшироқ ҳис қиласиз. Талаба халқининг минбари — аудиторияси. Жаҳонни лол қолдиргудек кашфиётларнинг бошланиш нуқтаси ҳам ўша ерда. Сиёсатни сиёсатшунос мутахассислардан кам таҳлил этмайдиганлар ҳам, иқтисодиётни инқироздан чиқариш, давлатимизни оз вақт ичида гули-бўстонга айлантириш бобида ҳам талабаларнинг ўз дастурлари, шахсий фикрлари мавжуд. Минг афсуски, кўп ҳолларда ўша гаплар гаплигича қолиб кетади. Яъни аудитория эшикларидан ташқарига чиқмайди. Ваҳоланки, талабаларнинг 60 фоизидан ортиқ қисми илмий изланишлар билан машғул. Фан ва техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши мумкин бўлган диплом ишлари ҳимоядан сўнг деканат тахмонларида чанг босиб қолаётгани ҳам сир эмас.

Фестиваль дарагини эшитиб, яна бир нарса хаёлимдан ўтди. Жамиятимизда қандай ўзгаришлар бўлсин (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) талабалар ўз муносабатларини билдирар эдилар. Кўпинча неки янгилик бўлса, улардан акс-садосини эшитардик. Ҳозир эса улар жим. Қандайдир лоқайдлик гирдобига тушиб қолгандек худди. Талабалик — ётоқхона ва аудитория орасидаги югур-югур десак, на ўқиш бўляпти ва на ундан сўнгги тадбирлар. Масалан, бир куни менга Талабалар шаҳарчаси ҳокими Ш. Болабеков шикоят қилиб қолди:

— Миниг тушунтиришларим бекор кетади гоҳи. Уларни хашарга чиқара олмайман. Нима учун ўз ётоқхоналари атрофини обод қилиш, кимнингдир турткиси билан бўлиши керак? Нима учун йигит-қизларда ҳужайинлик ҳисси йўқолаяпти?

Талабалар (мен республика олий ўқув юртлари учун умумий бир кайфиятни назарда тутяпман) орасида таашаббус билан чиқиш камайиб кетган. Ҳоким юқорида айтганидек, кимнингдир турткиси зарур бўлиб қолган. Нима учун?

Бир неча йиллар аввалги ўқишга ташналик, ҳушёрлик камаяёзганидан ҳавотир олсан киши. Бўлажак фестивалда менинг ушбу фикрларимга қарши гапиришларини жуда-жуда хоҳлардим. Мана, дея ўзларини кўрсатадиган ёшларни учратишни жуда истардим. Чунки талаба халқи азал-оқибат ўзининг демократлиги, ташаббускор ва ҳушёрлиги билан ажралиб турган. Унинг нигоҳидан ҳеч бир воқеа-ҳодиса қочган эмас. Талабалар даврасидек хушчақчақ ва доно, ҳазилкаш ва бурро даврa бўлганмас. Ана шуниси билан ахир бу йилларни олтинга қиёс қилишади.

Талабалар бошини бир ерга қовуштирадиган бир ташкилот, бир йиғин кераклигини ҳис қилиб юрардик. Фарғонада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон илм толибларининг биринчи фестивали ана шу вазифани бўйнига олгани жуда қувонтирди. Ушбу анжуман давомида бўлиб ўтадиган турли кўнгилёзди тадбирлар қатори, талабаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, ўқув дастурлари ҳақидаги уларнинг шахсий мулоҳазаларини тинглаш, илмий изланишлар ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмайди, деган умиддамиз. Яна бир гап — шўринг қурғур ётоқхоналар ҳақида. Ушбу муаммо юзасидан ҳам вилоятлардан келган йигит-қизларнинг фикрлари эшитилиб, тегишли тадбирлар белгиланар, деган ниятдамиз.

Талабаларнинг айтадиган гапи кўп. Фестиваль улар учун минбар бўлса, ажаб эмас.

Яшнар КАРИМОВА,
«Туркистон» мухбири.

ФУТБОЛ УСТОЗЛАРИГА— ИЖОЗАТНОМА

Ўзбекистондаги етакчи футбол командаларининг устозлари бу йилги мавсумни янги назарий ва амалий билимлар билан бошладилар. Уларга биринчи марта республика чемпионатида ва биринчилигида қатнашадиган жамоаларга бошчилик қилиш ҳуқуқини берадиган ижозатнома топширилди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда футбол федерациясининг ташаббуси билан устозларни қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган пуллик курслар ташкил этилди. Бу курслар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия илмгоҳи негизида ташкил этилган. Ҳар бир гуруҳ учун ўқув режаси тузилган.

Машғулотлар режасига кўра Ўзбекистон, МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг энг яхши футбол командаларининг тажрибаси билан танишилади. Курсни битирган тингловчилар ўз малакасига муваффақ равишда «А», «Б» ёки «С» тоифасидаги ижозатнома оладилар.

Бошланғич ижозатнома — «С» жисмоний тарбиядан олий маълумотли ва командаларда камида икки йил ишлаган кишиларга берилади. Бундай мутахассис иккинчи лигадаги жамоага бошчилик қилиш ёки биринчи лига клубидаги устозга ёрдамчи-ассистент бўлиш ҳуқуқига эга.

«Б» тоифасидаги ижозатномани олган мураббий биринчи лигадаги командаларнинг бош устози бўлишга даъвогарлик қилиши мумкин. У олий лигадаги жамоа ассистенти бўлишга ҳақлидир.

«А» тоифасидаги ижозатномаси бўлган устоз ҳар қандай командада ишлашга ҳақлидир.

Ана шу курсга ҳар йили тингловчиларни қабул қилиш кўзда тутилган. Унинг ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг мажлисида ҳар уч йилда бир марта қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Мусобақалар ўтказиш тартибини бузган устоз ижозатномадан маҳрум бўлади.

(ЎзА мухбири).



ЯНА БИР МУСОБАҚА

Баҳор келиши билан «Динамо» теннис клуби ходимлари «имирлаб» қолишади. Кортларни мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш авж олади.

«Динамо»да йил бўйи турли мавқедаги мусобақалар ўтиб туради. Яқиндагина бу ерда халқаро мусобақа бўлиб ўтганди. Унда ўсмирлар куч синашишди. Австриялик Маркус Хипфл (ўғил болалар ўртасида), қозоғистонлик Татьяна Бабина (қизлар) мусобақа голиби бўлишганди. Ундан сўнг ўсмирлар ўртасида Тошкент очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Кеча эса яна бир мусобақа старт олди.

Ҳаваскор теннисчилар ўртасида ўтаётган мазкур беллашувларда юздан ортиқ спорт ихлосмандлари қатнашаётир. Челябинск, Қарағанда каби шаҳарлардан теннисчилар ташриф буюришган.

СУРАТЛАРДА: мусобақага ташриф буюрган Челябинск ва қарағандалик ҳаваскор теннисчилар ҳамда ўйиндан лавҳа.

Матн ва суратлар муаллифи
Муҳаммад АМИН.



ЭЛНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ислоҳот, аҳоли таъминотини яхшилашга ҳаракат ўз йўли билан бораверади. Шундай мақол бор: оч одамнинг қулоғига мусиқа кирмайди, яъни унга минг марта ташвиқот қилсангиз ҳам, у қорнидан бошқа нарсани ўйламайди. Чунки одамда аввало кайфият бўлиши керак. Шунда у қандайдир сезгир, кўнгли очиқ, нияти пок бўлади. Ана шундай пайтда унга ким тарбия беради, таъсир ўтказади? Албатта, сизлар. Ажойиб шеърларни ўқиганингда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман ҳар нарсага қодир ҳис этади, буни мен сезганман. Айтмоқчиманки, сизларнинг кучингиз мана шунда, оллоҳ сизларга шундай иқтидор берган.

Одамларга шуни англатиш керакки, бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим. Энди қаддимизни кўтаришимиз керак. Бизнинг еримиз, эл-юртимиз энди-энди эркин нафас оляпти. Лекин одам табиати шундайки, қийинчилик, оғирчилик билан келган нарсанинг қадрига етади, агар бирон нарса енгил йўл билан қўлга кирса, унинг аҳамиятини тушунмайди, қадрига етмайди. Қийинчилик билан, катта-катта талофатлар эвазига мана шундай истиқлолга эришса, уни қўлда қурол билан сақлайди, керак бўлса, жонини фидо қилади. Шуни унутмаслик керакки, истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ.

Вилоятдаги раҳбарлардан бири истиқлол муқаддас нарса, лекин у қайта қуриш туфайли келди, дептию. Мен бир учрашувда жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш олдида турган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда истиқлолни қўлга киритиб, энди қаддимизни ростлаб олаётганимизни тушунмасангиз, агар мана шуни халққа тушунтиролмасангиз, шунга масъул бўла туриб, ўзингизни етакчи ҳис қила туриб, шуни охиригача етказолмасангиз, заиф ёки қўрқоқ бўлсангиз, тўғрисини айтиб, орамиздан чиқиб кетаверишингиз мумкин, дедим. Шундай вазиятдан фойдаланолмаса, ойдин келажакка олиб борадиган тўғри, асосий йўлда одамларга бош бўлолмаса, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у, аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини одамлар онгига сингдиролмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўқ.

Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонамиз. Мана, чет элдан келган каттакатта олимлар, давлат арбоблари ҳам Ўзбекистон шу йўл билан кетаверса, 10—15 йилда энг тараққий этган давлатлар сирасига киради, деб таъкидламоқда. Шу боис мен битта шиорни, катта масалани ўртага қўймоқчиман. Яқинда Минскдаги учрашувда айтган, газеталарда босилиб чиққан гапимни одамларга, халққа етказишимиз керак. Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса—ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир. Бошқа йўл йўқ. Мана шу шиор маъқулми сизларга?

Энди бу шиорнинг ҳозирги мураккаб вазиятдаги маъносини халқимизга тушунтирмасак, шу пайтда иккиланиб турсак, келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз. Агар ҳушёр бўлмасак, ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳозир қийин, лекин қайси даврда, қайси замонда эркинлик осонлик билан қўлга киритилган?

Буни сизлар жуда теран англайсизлар, бу гаплар юрагингизга яқин, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашиб, якдиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу масалада, маънавий инқироздан чиқишда, сиз, қаламкашлар, энг асосий етакчисиз. Менинг фикрим шундай. Етакчи деганимнинг боиси шундаки, одамлар сизга эргашади, энг катта кучингиз, — бу — қалам, асарларингиз. Одамлар шунга муҳтож, улар сиёсий нуқтаи назардан уйғонди, лекин уларга маънавий озиқ жуда зарур.

Яна шуни айтиш керакки, ўтмишнинг ижобий жиҳатлари ҳам бор эди. Хусусан, бир вақтлар ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказиларди. Ҳозир нима бўляпти? Мафкура масаласида нима қиляпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни соғломлаштиришда ким нима қилиши керак? Бу сизларнинг соҳангиз, зиммангиздаги вазифа эмасми? Янги мафкуранинг асоси, хусусиятлари борми, йўқми? Ким бу дастурилamалларни ишлаб чиқиши керак?

Яқинда мустақиллик тўғрисида гап кетганда, мен шундай бир муқояса қилдим. Биласиз, Мустақиллик майдонида катта бино бор. 20 қаватли. Лекин сизлар билмасангиз керак, ер остига ҳам шунга яраша пойдевор қурилган. Демоқчиманки, агар бинони сарбаланд қилмоқчи бўлсангиз, пойдевори бақувват бўлиши керак. Акс ҳолда, бир гирдобга тушса, бўрон турса, ер билан яксон бўлиб кетади. Миллатимиз чуқур илдизга эга. Бу — бизнинг бойлигимиз. Шундай экан, биномиз ҳам баланд, пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Энди қўрқмасдан бинони қаватма-қават кўтаришга асос бор, уни Оллоҳнинг ўзи берган, буюк аждодларимиз берган. Фақат битта шарт — бу бинони қураётганда ҳаммамиз аҳил бўлишимиз лозим.

Мен фикримни айтдим, агар маъқул топсангиз сизларнинг мулоҳазаларингизни ҳам билмоқчи эдим. Ўйлайманки, мақсадимиз бир. Менинг тилагим: сизлар ҳам бир бўлиб, бир оиладек ишласангиз, мен хурсанд бўламан, ўзимни мақсадга эришган, деб биламан. Чунки, бу Ўзбекистон учун керак. Миллат учун керак. Келгуси авлод учун керак. Ҳаммамиз мана шу улуғ мақсад йўлида хизмат қилсак, иншоолоҳ, мақсадимизга эришамиз.

Саид АҲМАД: Муҳтарам Президентимиз, Сиз амалга ошираётган ишларни кўриб-кузатиб турибмиз. Бизда ҳам муаммо кўп, кечирасиз, шуларни айтиб, бошингизни оғритишга тўғри келади. Менинг бир дардим бор. Бу дард шундан иборатки, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳорлардан кейинги бизнинг авлод ҳозир 70 дан ошди. Ортимиздан жуда катта авлод келяпти. Бизлар шу даражага етишимиз учун 50 йил вақт кетди. Келаётганлар эса жуда талантли ёшлардир, улар 20—30 йил ижод қилиб қўйган. Ҳозир шундай иқтисодий қийинчилик даврики, уларни шу инқироздан сақлаб, омон олиб чиқолмасак, кейин гуноҳкор бўлиб қоламиз. Чунки бундай талантли авлодни етиштириш учун яна 40—50 йил керак бўлади. Уларни йўқотиб қўймаслигимиз керак.

Яқинда Хоразмга борганимизда шундан хурсанд бўлдикки, бир неча ёш ёзувчини вилоят ҳокими бағрига олибди. Иқтисодий ёрдам бериб турибди. 10 кишилик дастурхон 12 кишига ҳам етади. Ҳар бир вилоят 10 тадан иқтидорли ижодкорни шу қийинчиликлардан олиб чиқиб кетишда ёрдам берса, хурсанд бўлардик. Халқ етиштирган талантларимиз ўзини тижоратга ёки бошқа серпул соҳаларга уриб кетганидан кейин уларни қайтиб адабиётга олиб келиб бўлмайди.

ПРЕЗИДЕНТ: Саид Аҳмад ака, гапингизни тушундим. Менинг ҳам фикримча, ҳокимлар ёрдам бермаса, ўзининг ҳомийлигини кўрсатмаса, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Чунки уларга катта ҳуқуқлар берилган. Лекин ҳар қайси ҳоким ҳомийликни ўз номидан эмас, балки давлат номидан қилса, адолатли бўлар эди. Менинг таклифим шуки, агар ёш ижодкорларни ҳимояга олмоқчи бўлсангиз, бу ишда менга ёрдам беринглар. Махсус жамғарма тузайлик. Биз давлат ҳисобидан, керак бўлса, турли тижорат ва катта корхоналар жамғармасидан маблағ олиб берамиз. Буни «Ёш ижодкорлар жамғармаси» деб атасак ҳам бўлади. Пул етмаса, давлат беради. Бу жамғармага Ўзбекистоннинг келажаги учун жон куйдирадиган одамлар сармоясини берсин. Мен ҳомийлик қилишга тайёрман.

Иброҳим РАҲИМ: Олдимизда мустақилликни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш масаласи турибди. Бунинг учун, аввало, ҳалқимизнинг бирлигини сақлаб қолишимиз зарур. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча миллат вакиллари Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ана шу бирликни авайлашимиз керак.

Мустақил фикр юритадиган, тўғри ва ҳалол, жасур авлодни тарбиялаш давримизнинг долзарб муаммоларидандир. Бу соҳада фахрийлар катта иш қила олиши мумкин. Ҳозир республикамизда ярим миллион нафар фахрий бор. Уларнинг таъсири, йиллар синовидан ўтган ақл-заковати тарбия соҳасида ижобий натижалар бериши аниқ.

Одил ЁҚУБОВ: Собиқ Иттифоқнинг айрим жумҳуриятларида СССРни қайта тиклаш истагида бўлган кучлар жонланиб қолди. Бу ҳаракатлар бизни ғоят ташвишга соляпти. Қалам аҳлининг ҳаммасида шу дард бор. Шунинг учун ҳам мустақиллик ҳақида гапларингиз ниҳоятда муҳим. Ёзувчининг, у ёзган асарнинг тақдири, биз амалга ошираётган ишлар тақдири шу халқнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шу халқ озод бўлса, шу халқ эркин бўлса, унинг мустақил давлати бўлса, ёзувчининг ҳаёти ҳам, келажаги ҳам шунга боғлиқ. Шу маънода матбуотимиз, телевидениемиз бундан ҳам жанговар бўлса яхши бўлур эди. Биз ўзбек халқининг миллий туйғусига бағишланган бир кўрсатувда иштирок этдик. Афсуски, бизнинг чиқишимизга қаршилик қилганлар ҳам бўлди. Назаримда, халқнинг ғурурини кўтарадиган, унга ўзлигини англатадиган кўрсатувлар жуда зарур.

Биз энди қўрқмасдан халққа дилимиздагини айтиб, у билан бамаслаҳат иш қилишимиз керак, ҳаммамиз аҳил бўлиб, янги давлатни барпо этишда сизга ёрдам беришимиз лозим.

ПРЕЗИДЕНТ: Эртага эски Иттифоқ тузумини қайта тиклаш масаласи қўйилса, кимдир келиб орамизда шундай ҳаракат олиб борса, одамларимизнинг неча фоизи буни хайрихоҳлик билан қарши олади? Бу энг оғир, энг мураккаб, энг нозик, лекин энг керакли савол. Бу саволга ҳаммамиз виждонан, юракдан жавоб беришимиз керак. Нега деганда, виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди. Халқимиз орасида бир вақтлар унинг елкасига миниб, ҳақини еб, ҳукмдорлик қилиб юрган одамлар жуда кўп. Зеро, биз совет тузумида уч-тўртта авлодни кўрдик. Улар қандай тарбия олди? «Кремль юлдузи»га итоат қилмасанг, мансабда ўтирмайсан, деган гаплар бўлган. Кимки ўз юртини, ўз халқини сотмаса, мансабдан кетарди. Мустақиллик, халқнинг миллий анъаналари, ғурурини тиклашга қарши чиқадиганлар ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўлаётган жойим ҳам шу. Агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатини халқ, ватан манфаатидан юқори қўядиган кимсалар бўлмаслиги учун зиёлилар бизга кўмак бериши лозим. Токи бундайлар одамлар фикрини чалғитмасин. Аввало, виждон тоза бўлиши керак. Бугун ҳаммамиз миллатимиз, халқимизнинг, давлатимизнинг келажаги ҳал бўлаётган нозик даврда яшаяпмиз. Бу давр сиёсатни аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

ШУКРУЛЛО: Ислом Абдуғаниевич, қадимдан ёзувчининг битта дарди бўлган. У ҳам бўлса — халқ озодлиги, ватан мустақиллиги. Ҳақиқий ёзувчининг бундан бошқа дарди бўлган эмас. Биз, мана, 130 йилча шу орзу билан яшадик. Ниҳоят, халқимиз мустақилликка эга бўлди.

Биз, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган сўзни сизнинг оғзингиздан эшитдик. Сиз ёзувчининг вазифаси нима эканини ҳам ошкора белгилаб бердингиз. Буюк давлат нима? Қандай қилиб буюк давлат эгаси бўламиз? Мустақилликка эришдик, мустақиллик ўзи нима? Уни қандай сақлаб қоламиз? Мана шуларни халққа биз — ёзувчилар тушунтирамиз. Бизнинг бошқа вазифамиз йўқ.

Афсуски, мана шу оғир вақтда бирлик билан, аҳиллик билан телевизордами, радиодами мана шу мустақиллик, эркинлигимиз ҳақида ҳаммамиз баб-баравар хизмат қилаётганимиз йўқ.

ПРЕЗИДЕНТ: Менда яна бир мулоҳаза бор. Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур. Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлашимиз керак. Бу ишимизга халқият беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми, фарқи йўқ — ўзбекдир.

Шукрулло ака айтган гапларда жон бор. Мен баъзан ҳайрон бўламан: катта-катта мансабдор одамлар, вазирлар нима учун куюнмайди? Нима учун жонини фидо қилмайди? Ёниб ишлайдиган одамлар қани? Кечирасизлар, кўпол бўлса ҳам айтишим керак, писмиқлар кўп. Ичидан пишганлар, шамолга қараб турадиганлар кўп. Энг ёмони — шу.

Яна бир гап. Шуни тўғри тушунингларки, одамни ҳурмат қилиш, унинг ишларини қўллаш — яхши одат. Хизматини эътироф этиш, кўз юмганидан кейин унга ҳайкал қўйиш, суратини ўрнатиш бошқа гап. Лекин раҳбар раҳбарлигини қилиши керак, раҳбарнинг ҳурмати бор, бу, аввало, миллатнинг ҳурмати. Лекин бунда мақтовларни ҳаддан ошириб юбормаслик керак, чегарадан ўтмаслик зарур. Одамга бу фойда эмас, балки зарар етказади. Шунинг учун газеталарда ҳадеб суратимни чиқараверинг шахсан менга ёқмайди! Мен бунга қаршиман, бу ҳурмат белгиси эмас. Тарғибот бўлиши керак, албатта, лекин уни ақлли одам бировнинг ғашига тегмайдиган қилиб, меъёрида ўтказиши лозим. Баъзан ҳижолат бўлиб кетаман.

Пиримқул ҚОДИРОВ: Маънавиятнинг умрбоқийлиги барчага аён. Шу жиҳатдан олганда, сизнинг «маънавият йўқ жойда тараққиёт йўқ» дейишингиз бизни беҳад қувонтиради. Зеро, шу мураккаб даврда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга маънавиятни ҳам унутмаслик жуда муҳим.

Ёзувчилар, зиёлилар доимо халқнинг маънавий баркамоллиги, инсоний қадри топталмаслиги учун жон куйдириб келган. Истибдод йилларида биз қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаганмиз.

Ўтмишга муносабат маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир. Мозий ҳақидаги ҳақиқат ҳам авлодларни тарбиялайди. Шу ўринда мен 100 йиллик таваллуд тўйи яқинлашиб келаётган Абдулла Қодирий ҳақида, Чўлпон ва Фитрат ҳақида гапирмоқчиман. Чунки уларнинг интилиши, фаолияти халқни озод, эркин кўришга йўналтирилган эди. Улар озгу мақсад йўлида қурбон бўлди. Афсуски, ҳалигача Қодирийнинг халқ зиёрат қилиши мумкин бўлган қабри йўқ. Ваҳоланки, у отиб ташланган жой маълум. Назаримда, озодлигимиз, мустақиллигимиз йўлида қурбон бўлганлар хотирасига зиёратгоҳ барпо этсак, халқимизнинг мард ўғлонлари олдидаги яна бир қарзимизни узган бўлар эдик.

ПРЕЗИДЕНТ: Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини қўзғаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман. Ёмонлар ўз жазосини олади. Қолаверса, энг оғир жазо — виждон азоби. Ундан қутулиш қийин.

Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби қаҳрамонларимиз хотирасини абадийлаштириш хусусидаги фикрингизга қўшиламан. Уларнинг улкан ҳайкалларини яратиш керак, токи халқимиз ўзининг жасур фарзандларига ҳурматини бажо келтириш имкониятига эга бўлсин.

МИРМУҲСИН: Ҳурматли Президент. Биз, шу ерда ўтирганлар ҳам, келолмаган ўртоқлар ҳам — ҳаммамиз сизни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишлардан ниҳоятда хурсандмиз, айтамизки, шу кунларга соғсаломат етиб келиб, шу жамиятнинг мустақиллиги учун хизмат қилаётган эканмиз, бу биз учун жуда катта бахт. Ёзувчиларга жуда катта баҳо бердингиз, биз хурсанд бўлдик.

Абдулла ОРИПОВ: Ҳурматли Ислом ака, биз, катта-кичик адабиётчиларга тўғри йўлни яна бир карра эслатдингиз. Бизнинг оқсоқолларимиз жуда катта ҳаёт тажрибасига эга. Бу ўринда кўп гапларни такрорлаб ўтирмайман. Сиз аҳиллик ҳақида такрор ва такрор гапирдингиз. Яхши отга бир қамчи деганларидек, буни теран тушунамиз. Биз ҳаммамиз бир ота-онанинг болаларимиз. Биримизнинг бўйимиз сал баландроқ, биримизники пастроқ бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, бир-биримиздан фазилат ахтаришимиз керак. Отахонлар мени кечиринглар, ўша даврлар шунга ўргатганми, биринчи навбатда нуқсон ахтаришга одатланиб қолган эканмиз. Шунинг учун беайб — парвардигор, деймиз, агар бир-биримизга кечиримли бўлиб, бағрикенглик билан бу дунё ўткинчи эканини ҳар соат, ҳар фурсатда эслаб, қўлни қўлга бериб ишласак, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда биз, ёзувчилар, элга намуна бўламиз, деб ўйлайман.

Ислом ака, мен ҳам идорада ишлайман, шу идорамизнинг вазифасига кўра ёзувчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиламан. Ҳозир тўланаётган қалам ҳақи жуда оз. кечирасиз, шуни ўйлаб кўрсангиз.

ПРЕЗИДЕНТ: Бу масалани ҳал қиламиз, кўпчиликнинг фикрини жамлаб, аниқ таклиф билан кирсангиз, гаплашамиз.

Озод ШАРОФИДДИНОВ: Ислом ака, тушунаман, маблағ масаласи жуда оғир. Лекин, шунга қарамасдан, зиёлиларнинг, хусусан, профессор-ўқитувчиларнинг маоши масаласига эътибор берилса, яхши бўлар эди. Иккинчи айтмоқчи бўлган гапим шуки, ёзувчилар албатта мустақиллик учун, юртимизнинг тинчлиги учун курашади. Бу ерда ёзувчиларимизнинг бирлашиши ҳақида, гапирилди, дарҳақиқат, аҳиллик керак. Бирлашиш, тўғрироғи, қандай асосда бирлашиш ҳақида талаб қўйяпмиз. Шу ҳал этилса, бас.

Эркин ВОҲИДОВ: Халқ манфаатини ўйлаб Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бошини қовуштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга лойиқ. Мана, бугун биз, ёзувчиларнинг ҳам бошини қўшиб, аҳилликка чақирмоқдасиз. Истеъдоднинг табиати ҳар хил бўлса-да, ватан манфаати, халқ бахти йўлида бирлашиш унга хосдир.

Истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, ноширлик фаолиятини тартибга солиш муҳимдир. Чунки ҳозир ўзини ношир эълон қилиб, савияси саёз асарлар нашр этаётган нашриётлар кўпайиб кетди. Олий Кенгашдаги қўмитамиз бу борада яхши қонун лойиҳасини тайёрлади. Навбатдаги сессияларимиздан бирида уни муҳокамага қўйиб, тезроқ қабул этсак, бу қонун маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қилган бўлур эди.

Жамол КАМОЛ: Ислом ака, боя мустақилликни қандай қилиб сақлаб қолиш, қандай қилиб мустаҳкамлаш масаласини ўртага қўйдингиз. Мафкура ҳақида гап қўзғалди. Менимча, давлат тизимида мафкура билан шуғулланадиган, истиқлол идеологияси билан узлуксиз банд бўладиган кишилар, маълум бўлимлар бўлиши керак.

Ҳар бир халқнинг юзи бор, қиёфаси бор. Аэропортдаги ҳолат Ўзбекистоннинг обрўсини тўкяпти. Чегара хизмати билан божхона хизматида ўзбек тилини биладиганлар ишлаши керак.

ПРЕЗИДЕНТ: Сизлар ёзувчисизлар, шундан фойдаланиб бир нарсани айтишим керак. Тарихимизга назар солсангиз, шу нарса аён бўладики, амал талашиш, мансаб талашиш ёмон офат бўлган. Бу жуда хунук иллат, демоқчиман. Шу нуқтаи назардан қарағанда, бизни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса, шу ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир.

Иброҳим ҒАФУРОВ: Ислом Абдуғаниевич, боя айтганингиздек, стратегик ғоя нуқтаи назаридан миллий концепциямизни ишлаб чиқишимиз, илдизларимизни бутун жаҳонга ёйишимиз керак. Илдизи жаҳонга ёйилмаган халқ ҳеч қачон ривожланиб, тараққий этган эмас. Мен истар эдимки, ўша сиз ўтказаётган сиёсат — ёшларни тўхтовсиз чет элларга юбориш жараёнини тезлатиш керак. Ёшларимиз чет элларга, тараққий этган мамлакатларга мунтазам бориб турса, илғор технологияни ўрганса, мустақиллигимиз мустаҳкамланаверади.

ПРЕЗИДЕНТ: Мана шу ғояни ишлаб чиқиш керак. Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг каттакатта муаммоларига жавоб топгандек бўламан. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки отабоболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади. Биласизлар, менинг икки китобим босилиб чиқди. Аслида китоб ёзиш, бу — сизнинг ишингиз. Уни боя айтилган концепцияни белгилаш, бўшлиқни тўлдириш йўлидаги уриниш деб тушунишингизни хоҳлардим.

Аслида сизлар билан сиёсатчилар — миллий ғурур, миллий ҳисни тушунадиган одамлар, шу иш билан шуғулланса яхши бўлар эди. Мана шу масалада пухта ишлашимиз керак. Хилмахил фикрларни бирлаштириб, битта маъно чиқариш лозим. Ўзбекнинг миллий ғурури нимадан иборат? Ўзбекнинг энг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади? Меросимизнинг асосий қирралари, сабоқлари нима? Бизга номақбул томонларини ҳам айтдим. Миллатни бирлаштиришга халқит берадиган нарсалардан озод бўлишимиз керак. Миллатимиз ҳозир шаклланяпти. Шу масалаларни чуқурроқ ишлаш зарур. Акс ҳолда бўшлиқни нима билан тўлдирамиз? Президентнинг ғоялари бу — битта одамнинг гапи, уни ривожлантириш, маъносини кенгайтириш, тўлдириш керак. Мен шахсан шунинг тарафдориман ва сизларни шунга даъват этаман.

✦

Йиғилишда адиблардан Ўткир Ҳошимов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Худойберди Тўхтабоев, Ҳамид Ғулом, Хайриддин Султон, Хуршид Даврон ҳам Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашларини баён қилдилар. Шу билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Республика Президентининг қалам аҳли билан суҳбати самимий вазиятда ўтди. Унда халқнинг маънавиятини юксалтириш, ўзлигини танитиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар батафсил муҳокама қилинди. Ижодкорлар олдида турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, ёзувчининг жамиятдаги ўрни, халқ олдидаги бурчи хусусида гап борди.

(ЎзА).

Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

РАА ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚ НМК РЕСПУБЛИКАСИ

"ШАРҚ"
НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ

қуйидаги ишларга таклиф қилади:

- молия-бухгалтерия ишлари соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлган олий ёки махсус ўрта-техника маълумотли бош бухгалтер ўринбосари; моддий бўлимда ишлаш тажрибасига эга бўлган бухгалтер;
- матбаа ускуналарини созловчи;
- қирқиш машинасининг машинисти;
- китоб тикувчи ишчилар (швец);
- муқовасозлар (ишбай-мукофотли иш ҳақи тўлаш шарти билан 2 ва 3 сменали ишга);
- босмахона ишчилари (печатниклар);
- электрчи усталар.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй, расмийлаштириш бўлими. Телефонлар: 33-80-83 - расмийлаштириш бўлими; 33-75-84 - бухгалтерия.

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР!

Агар Сиз тикувчи, тўқувчи, ип йигирувчи касбларини эгалламоқчи бўлсангиз, хотин-қизлар модали кийимларини бичиш ва тикиш, кийимларни конструкциялаш, моделлаштириш ва машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ!

ФАҚАТ БИЗДАГИ ПУЛЛИК КУРСЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **конструктор — модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи усталар, машинада бадиий кашта тикиш ва замонавий трикотаж тикиш ускуналарида кўп йўналишда тўқувчилар.**

ЎСМИРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ БОР — УЛАР ТАБИИЙ ЧАРМГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА БУЮМЛАР ТИКИШ МУТАХАССИСЛИГИНИ ЎРГАНИШЛАРИ МУМКИН.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

ЎҚИШГА 9- ВА 11-СИНФЛАРНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни битирган қизлар 3 йил ўқийдилар. Улар давлат таъминотида бўладилар, ҳамда ҳар ойда 3 минг 200 сўм овқат пули оладилар.

11-синфни битирган қизларга ҳар ойда 1 минг 300 сўмдан ортиқ стипендия берилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказини битирганлар эгалланган касби бўйича малака разряди берилганлиги тўғрисидаги диплом ва ўрта маълумот оладилар.

Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги ва қўшма корхоналарда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув-ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см.), танланган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67-автобуслар; 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати). Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.

СОТИЛАДИ

Илгари ишлатилган юмшоқ мебель (80.000 с), «Минск» икки камерали совутгичи (175.000 с.), 3х4 ҳажмли палос (23.000 с.). Тел: 99-12-62, 8.00 дан — 22.00 гача қўнғироқ қилинг.

Сизга ёзув машинкаси керак. Шундайми? Унда

.АСҚАР.

фирмаси Сизга ёрдам беради!

- ўзбекча, русча, лотинча алифбода
- 16 та ҳарф
- теакор ва диск хотираси
- банк ҳужжатларини босмага тайёрланган бланклари

"АСҚАР" фирмаси, шунингдек мамлакатимизда ишлаб чиқарилган арзон компьютерларни, уларни ўрнатиш, кафолатли хизмат кўрсатиш, дастурий таъминот ва ўқитиш каби хизматларни

таклиф этади.

Бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 77-76-32
Манзилгоҳимиз:
Тошкент, Чилонзор-2, 48-уй.



● **МОСКВА** касаба уюшмаларига Қизил Майдонда 1 Май куни намойиш ва митинглар ўтказишга рухсат этилди. Россия Компартияси Марказий Қўмитаси Президиумни эса барча меҳнаткашларни, фахрийлар ва ёшларни байрам билан қутлади.

● **ВНУКОВО** авиация отряди бошлиғининг биринчи ўринбосари Иван Байков РАТА—ТАСС мухбири билан суҳбатда, гўё май ойининг бошларида самолёт чипталари нархи кескин оширилиши ҳақидаги овозаларни рад қилди.

● **БОЙҚУНУР** космодромидан «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши учирилди. Учишни бошқариш марказидан хабар қилишларича, йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

● **ГРОЗНИЙДА** маълум бўлишича, чечен халқининг умуммиллий қурултойи 6 май куни ўтказиладиган бўлди. Илгари уни 23 апрелда ўтказиш белгиланган эди, бироқ сиёсий вазият кескинлашганн сабабли кечга сурилди. Грознийда Чеченистоннинг биринчи Президенти Жохар Дудаев тарафдорлари ва душманларининг митинглари давом этмоқда.

● **ОЗАРБАЙЖОН** ташқи ишлар вазири Тофиқ Қосимов БМТ ва Бош котибига мурожаат этиб, Арманистоннинг ҳатти-ҳаракатларини агрессия деб таърифлайдиган, шунингдек арман қуролли тузилмаларини кейинги вақтда босиб олинган Озарбайжон ерларидан олиб кетишни талаб қиладиган ҳужжат қабул этилишини тезлаштиришни илтимос қилди.

● **РОССИЯДА** пулнинг қадри кун сайин тушмоқда. Энди ликда Благовешчанскда телевизор олмоқчи бўлсангиз 275 минг сўм тўлайсиз. Музлатгич 269 минг сўм туради. Пальтосини Мурманскда кимёвий усулда тозалатмоқчи бўлган киши 3280 сўмни қуртдек санаб бериши керак. Чита шаҳрида кино кўрмоқчи бўлсангиз битта чиптага 150 сўм беришингиз лозим. Владивостокда эса ҳаммомда чўмилиш учун 280 сўм тўлаш керак.

● **ҚУМКОРДАГИ** кон дунёдаги ўнта энг йирик олтинли конлар жумласига киради, дастлабки ўн йил мобайнида бу ерда йилига беш юз минг мисқол металли очиқ усулда қазиб олса бўладн» деди «Қумкор оперэйтинг компани» вице-президенти Мо Линдоэю. — Қирғизистон Канададаги «Камеко» фирмасининг қўшма корхонаси бўлган шу компанияга олтин қазиб чиқаришни ишониб топширган.

ЧАП ҚЎЛДА— ЖАВОБГАРЛИК, ЎНГ ҚЎЛДА— ИМКОНИЯТ

Шуҳрат Қосимовни комсомол, кейин Ёшлар Иттифоқининг турли йиғинларида, тадбирларида кўп бор кўрганман. Шундай дақиқалар бўладики, мажлисларда ёшлар икки гуруҳга бўлиниб, сал қолса сен-менга боришарди. Ўша вақтларда Шуҳрат ўзининг табиатига хос босиқлик ва ички бир маданият билан икки томонни келиштирар, жилла қурса, ўртадаги ноҳуш кайфиятни йўқотишга интиларди. Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби бўлмиш бу йигитнинг аниқ, тиниқ фикр-мулоҳазалари, таклифлари беиз қолмас эди.

Шунинг учун ҳам унинг ташкил топганига ярим йил ҳам бўлмаган Талабалар жамғармасининг директори вазифасига ўтганини эшитиб сал ажабландим. Менимча, у ЁИда жуда ўрнини топганди. Иссиқ жойини нима учун совутди экан? Директорга берган биринчи саволим ҳам шу бўлди.

— Киши қандайдир янгиланишни истаб қолар экан. Мен 1981 йилдан комсомол тизимида, сўнгра ёшлар ташкилотида ишладим. Ўша даврларни энтикиш билан эслайман. Аммо талабалар жамғармасини ташкил этиш истаги анчадан буён хаёлимдан кўтарилмасди. Бу ерда биз ишни «нол»дан бошладик. Шундай бўлсада, Марказий Қўмитада талабалар муаммолари билан бевосита шуғулланганим жуда қўл келди.

Талабалар ётоқхоналарини яхшилаш учун ҳам, ёшларнинг соғлиғини сақлаш, ишга жойлаштириш учун ҳам пул керак. Йўқ ҳозир давлат қараб тургани йўқ. У кўп нарса қилаяпти. Лекин олий ўқув юртлари йигит-қизларининг фақат ўзлари ва атрофидагилари тушуниб етадиган муаммолари ҳам кўп. Бу кимлар учундир иккинчи даражали иш бўлиб кўринади. Ана шунинг учун ҳам талабалар жамғармасини ташкил қилишга бел боғладик.

— Шуҳрат, биз кўпинча жамғарма деганда икки қўлни қовуштириб, корхоналардан пул сўрайдиган, кейин эса ўша пулни бирор бир тадбир учун сарфлайдиган ташкилотни тушунамиз. Республика талабалар жамғармаси ана шундай бўлиб қолмасмикан! У ўзини оқлай олармикан!

— Бугунги кунда биз жамғармалар ҳақидаги кўникма бўлиб қолган фикрларни ўзгартиришга интиляпмиз. Шунинг учун ҳам ташкилотимиз мақоми ўзгартириш бўйича қатор таклифларни Вазирлар маҳкамасига топширдик. Ҳозир жамғармаларнинг сони кўп — ЭКОСАН, «Наврўз», «Улуғбек»... Лекин бизлар сингари уларнинг ҳам моддий ёрдам кўрсатиш учун имкониятлари чегараланган. Яхшиям бизнинг таъсисчилар — ХДП Марказий Кенгаши, Меҳнат вазирлиги, Республика касаба уюшмаси бор экан. Лекин биз бу ёғига уларнинг қўлига қараб туришимиз мумкин эмас. Шунинг учун тижорат ишлари билан шуғулланиб, пул топмасак бўлмайди. Ва яна иккинчи бир гап: жамғармани давлат ўз қарамоғига олиши керак. Менинг чап қўлимда жавобгарлик, ўнг қўлимда имконият бор. Агар ҳар иккиси ўз ўрнида бўлса, давлатимиз талабаларининг аҳволи бироз енгиллашар эди.

— Бугунги талабага ёрдам деганда нимани тушунсак бўлади!

— Ёрдам бу оғир аҳволда қолганнинг қўлига беш сўм бериб, бу ёғига ишингни қил, деб чиқариб юбориш эмас. Биз кўпам моддий ёрдам беролмаймиз. Лекин илмий иш билан жиддий шуғулланиб, ўз рефератини нашр эттириш истагида бўлганларга жон деб ёрдам берамиз. Ҳозир нафақа билан кун кечиришнинг ўзи бўлмайди. Кейинги вақтларда талаба ёшлар орасида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кўпайиб кетган. Бу жуда оғир иш. Шунинг учун тадбиркорларнинг мунозара марказини уюштирмоқчимиз. Унга турли вилоятлардан шу ишга қизиқиши бор ёшлар келиб савдо-сотиқ, бизнес, маркетинг ҳақида махсус курсларда ўқишади, ўрганишади.

— Суҳбатимиз Фарғонада ўтказилажак талабалар фестивали арафасида бўляпти. Ушбу тадбирнинг ҳомийларидан бири эса сизлар...

— Фестивалнинг мақсади фикр алмашиш. Лекин биз асосий гапни талабаларнинг ўзларидан кутаяпмиз. Уларнинг ўқув ва ўқишдан ташқари ҳаёти, муаммолари, камчиликлари, ютуқлари ҳақида, ўрнак қилса арзигулик ишлари тўғрисида яқиндан билиш истагидамиз.

Фестивал маркази қилиб Фарғона шаҳри бекорга танланмаган. Чунки бу ерда ёшлар ҳаракати, олий билимгоҳларда олиб борилаётган ишлар сезиларли. Уларнинг талабалар билан ишлашда ўзига хос тажрибалари бор. Ютуқлари ҳам. Ҳуллас, ушбу анжуман кўп мингли Ўзбекистон талаба йигит-қизлари ҳаётига ўзгариш олиб кирса, мақсадимизга эришган бўлардик. Ва бу кейинчалик ҳам шундай тадбирларни мунтазам ўтказиш учун асос бўларди.

Я. КАРИМОВА
суҳбатлашди.

ЁШЛИГИМ КЕЛ, ГУЛГА ТЎЛГАН, ҚАЛБИМ ОЛТИН СОЗИ БЎЛ!

ТЎЙБОШИ БЎЛИШ БАХТИ

Маъмуржон ТОЖИБОЕВ — бош ҳомий — Фарғона вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси кенгашининг раиси.

— Маъмуржон ака, Сизни «Туркистон» муштарийлари сахий ишбошн, тадбиркор раҳбар сифатида яхши билишади. Бу сафар ҳам тўйбоши экансиз, ҳорманг энди!

— Раҳмат, саломат бўлинг!

— Айтингчи, уюшмангиз «Талабалар баҳори-93» фестивалини ўтказиш бўйича қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олди!

— Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва фарғоналик ёшларнинг таклифларини жамоамиз Кенгаши ва унинг Ҳайъатида ўрганиб чиқдик. Юртимиз келажаги учун қайғуриш, унинг эртанги кунини фаровон кўриш мақсадида ташланган бу каби савобли ишдан четда туришни ўзимизга эп кўрмадик. «Талабалар баҳори» фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқдик ва уни ўз зиммамизга олдик. Худди ана шу мақсадда бир ярим миллион сўм маблағ ажратдик.

— Сизлардан ташқари ҳам бошқа ҳомийлар борми!

— Ҳа, «Ёшлик» савдо-тижорат ишлаб чиқариш фирмаси ва «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмаси ҳам ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олишган. Қолаверса, Ёшлар Иттифоқи Марказқўми билан Талабалар жамғармаси ҳам маълум маънода ҳомий саналадилар.

— Мени кечирасизу, Маъмур ака, Сизни бош ҳомий сифатида қатнашишга нима мажбур қилди!..

— Ҳеч ким ва ҳеч нарса. Тўйбоши бўлиш бахти — бу биз учун, тасарруфимиздаги меҳнат жамоаларида ишлаётган минг-минглаб ишчи-хизматчилар учун шараф! Қолаверса, эртами-индинми мустақил Ўзбекистонни бугунги талабалар бошқаради. Бугунги озгина эътибор келажакнинг шаклланиши учун жуда катта пойдевор вазифасини ўтайди. Афсуски, ҳамма вақт ҳам мана шу оддий ҳақиқатга риоя қилавермаймиз...

— Раҳмат Сизга! Сиз каби ёшларни қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар бор экан, юртнинг юки ерда қолмайди. Тўйлар қуллуқ бўлсин энди, раис бува!

— Худо қуллуқ қилган бўлсин!

Бизнинг мусоҳаба

Умидимиз— ёшлардан

Раҳмиддин БУРҲОНОВ — Фарғона Политехника олий билимгоҳи ректори

— Раҳмиддин Бурҳонович, Сиз раҳбарлик қилаётган ўқув юрти республикамиз халқ хўжалигига етук ва малакали мутахассислар етиштириб берадиган йирик масканлардан бири ҳисобланади. Айтингчи, талабаларнинг бўлажак анжумани кунларида қандай тадбирлар ўтказишни режалаштиргансизлар!

— Айни кунларда институтимизда 6320 нафардан зиёд талабалар таҳсил кўришаётган бўлса, уларга 384 нафар профессор-ўқитувчилар жамоаси сабоқ бериб келишмоқда. Республика талаба ёшларининг фестивалини Фарғонада ўтказилиши кўп қатори бизни ҳам қувонтириб юборди. Фестиваль ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти ўз таклифларимизни ташкилий қўмита ва вилоят ҳокимлигига билдирдик, улар бизни қўллаб-қувватлашди. Меҳмонлар ташриф буюрадиган кунни интизорлик билан кутиб турибмиз.

Анжуман иштирокчиларининг бир гуруҳини институтимизнинг соғломлаштириш уйига жойлаштирамиз. Бу ерда ҳамма шарт-шароитлар етарли, ҳатто, шаҳардаги айрим меҳмонхоналар билан бемалол рақобат қилиши мумкин. Тошкент Олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган ёшлар билан «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ўтказиш ниятимиз бор. Қизлар ўртасида «Иқбол» танлови, бир неча спорт мусобақалари ташкил этиш ҳам иш режамизга киритилган. Бу борада институтимиз Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси зарур ташкилий вазифаларни бажараяпти. Шунингдек, ўқув базаларимизда талабаларнинг давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган илмий-амалий конференциясини ўтказамиз. Ушбу йиғинда республикамизнинг кўзга кўринган фан арбоблари ва сиёсатчилари Республикамиз Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида, Давлатимиз Қомуси ҳамда иқтисодий инқироздан чиқишнинг йўллари хусусида ўз мулоҳазаларини ўртоқлашадилар. Меҳмонларни ўқув жараёнлари, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган билимхоналаримиз, талабаларимизнинг яшаш шароитлари билан батафсил таништириб, ўзаро тажрибалар алмашамиз.

— Домла, ташкилий қўмита аъзоси сифатида фестивалга тайёргарлик ишларидан қониқаяпсизми!

— Ҳа, албатта! Чунки, бирорта ҳам масала бизнинг назаримиздан четда қолаётгани йўқ. Фестивални ўтказиш штаби билан ташкилий қўмита деярли ҳар куни шу масалада кенгашиб турибди. Беш кун давом этадиган анжуман умум манфаатларимизга, шак-шубҳасиз, катта наф келтиради деб ўйлайман.

— Вақтингизни олганим учун узр домла! Байрамни яхши ўтказишингизга тилакдошмиз...

— Сизга ҳам раҳмат!

ТАҲРИРИЯТДАН: Шундай қилиб, Фарғона меҳмонларини кутмоқда. «Туркистон»чилар бўлажак фестивални қутлаб, уни мустақил Ўзбекистонимиз равнақи учун хизмат қилади деб ҳисоблайдилар. Сиз азиз муштарийларни эса «Талабалар баҳори-93»нинг бориши ҳақида мунтазам таништириб бориш ниятидамиз. Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз талабалари анжуманининг иштирокчиси меҳмонларини, уни ўтказишга алоқадор бўлган барча-барчани байрам билан табриклаб, уларга баҳорий кайфият ва энг яхши истаклар ёр бўлишини тилаб қоламиз! Демак: АССАЛОМ, «ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ!»

«Туркистон»нинг ўз мухбири РУСТАМ БОЙ МУҲАММАД

Талаба дафтаридан

МУТОЛАА

Юракнинг сеҳрли майдонида
Турарлар тизилишиб
Шеър ҳайкаллари.
Ҳар тупда бир қарич ўсади улар...
Чексиз самоларда парвозлар чексиз!..
Аста бориб, ҳайкалларни силай бошлайман —
бошларида шеър,
пешоналарида шеър,
ҳамма жойларига шеърлар ўйилган —
йўлларига,
оёқларига,
баданларига,
елкаларига...
О, ҳар тунда икки қарич юксаладиган
Севги ҳайкалида бунча кўп мисра!..
Шамолда тиришган қари толлар бадани,
Ва юпун деҳқоннинг қадоқ кафтидек
Юрагим сиртида сирғалар оғир
Шеърга эврилмоққа интиқ ниятлар.
Беозор
Беозор,
Беозор шеърлардан
Буткул воз кечким келади шунда!

Сайёра САМАНДАРОВА.
(Хоразм).

* * *

Қошингда ҳануз мен ўктам, умидвор,
Излаганин топган боладек шодон.
Йигирма ёшимда йўқ сира ғубор,
Лек йигирма йиллик ўтмишим вайрон.
Дардкаш йўлакларни ҳар кун қадамлаб,
Ишга овунаман, ҳориб қайтаман.
Билмам, олдиндадир энг масъуд дамлар,
Қаро ўтмишимни кимга айтаман?
Нурли ўтмишингни малаклар кўрган,
Чарос кўзларингда ҳур маъсумлик бор.
Ул ғариб туйғулар нуқсида урган,
Бул шодмон кўксимга юпундинг такрор.
Сенга нотаниш дир жудолик йўли —
Муҳаббат саодат элчиси эмиш,
Йигирма йил яшаб қўйибман, гулим,
Мени таъқиб этар минг йиллик ўтмиш.

Асадулло ЖЎРАЕВ.
(Қашқадарё).

Ўз мадҳиямиз бўлсайди...

Мана, уч йилдирки, Жиззах университетининг талабасиман. Бу мартабага эришиш учун икки йил ўрундим. Эсимни таниганимдан бери, Тошкентга ўқишга бораман дердим. Отам ҳам, онам ҳам менинг «кетаман»имга кўникиб қолишганди. Мактабни тамомлаб пойтахт томон йўл олдим. Омадим чопмади. Тошкент Давлат дорилфунунининг амалий математика ва механика факультетига кириш имтиҳонларидан «қуладим».

Барибир мени «талаба» деган номга етишиш истаги тинч қўймасди. Уйимизда ва отам олий маълумотли, на онам. Шундай бўлсада, қўни-қўшнилардан, «фалончининг боласи, невараси Тошкентга кетиб, катта мактабга кирибди» деганларини эшитсам алланечук бўлиб кетардим. Узимча, китоб қўлтиқлаб, дўстлар даврасида тўрни бермай талаба бўлиб юришимни кўз олдимга келтирардим. Ниятимга етдим ҳам. Тошкентда бўлмаса-да, Жиззах техника институтига ўқишга кирдим. «Олтин даврим» мен ўйлаганчалик «маззза» бўлмаса-да, ҳар қалай зап давр экан. Ҳозирданоқ, институтни тамомлаб, бу ерлардан, дўстларимдан айри кетишимни кўз олдимга келтиролмайман. Ҳали яна икки йил борлигидан хурсанд бўлиб, хотиржам тортаман.

Газетага мактуб ёзишимдан мақсад эса бундоқ. Бир вақтлар талаба бўлиб қолсам, уларнинг гимнини (мадҳиясини) мендан сўрашса керак деб, ўқитувчимдан жаҳон талабалари гимнини сўраб билганман. «Гаудеамус»ни ёд ҳам олганман. Жуда чиройли, салобатли бу мадҳияни, афсуски, бирор бир курсдошим билмайди. Ўқиш учун бу шарт ҳам эмасдир. Лекин, биз талабаларнинг ўз мадҳияси, илм-фан ўқув йилларини тараннум этувчи бир қўшиғи бўлса, ўйлайманки, ҳар бир ёш ёд оларди.

Менимча, Ўзбекистон талабалар мадҳиясини олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг ўзлари ёзишлари керак. Танловга эса ёшлар газетаси сифатида «Туркистон» бош-қош бўлиши лозим.

Баҳромбек ҚУТБИДДИНОВ.
Жиззах.

ТАЛАБА ДУНЁ КЕЗМОҚЧИ

— Ҳе, ишонмайсизми? Рост! Худо насиб қилса, «Гўншигим» билан дунёни кезмоқчиман! Биринчи қадам эса — Ўзбекистон бўйлаб бўлади.

Қанақасига, дейман ҳамсуҳбатимнинг кимлигини ҳам суриштирмасдан? Ким рухсат берарди? Қайси маблағга? Нима учун?..

— «Гўншигингиз» ким?

Бирин-кетин, шошиб берилган саволларга кўникиб қолган йигит кулиб юборди. Эгнидаги спорт кийими енгини қоқиб:

— У мени пастда пойлаб турибди. «Гўншик» — менинг дўстим. Ту-шун-ма-динг-из-а? У велосипед. Мен у билан бутун Ўзбекистонни, кейин насиб этса жаҳонни кезмоқчиман. Болалигимдан нимадир иш қилиб, ўзимни ҳам, одамларни ҳам қойил қолдиришни истардим. Бу ишим билан қойил қолдирраманми, йўқми, ҳар қалай палончи палончиев, палончининг ўғли шундай қилибди-я, дейишса кифоя!

— Сизга шуҳрат керакми?

— Кимга керак эмас экан? Лекин менинг биринчи мақсадим ўзимни синаб кўриш, болалик мақсадимни рўёбга чиқариш. Таниқлилик қочмас. Олдинда ўқиш бор ҳали. Дарвоқе, мени ҳамкасбим, деб атасангиз ҳам бўлаверади. Ҳозир Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида сиртдан ўқияпман. II курс!

Ҳамсуҳбатим асли Самарқандлик. Тошлоқ туманидан. Исм-шарифи — Шокиржон Ахроров. Спорт усталигига номзод.

— Дадам пудратчи, онам уй бекаси. Акам, еттита укам бор. Ҳозир биттаси армия сафида хизмат қиляпти. Мен эса 10 йилдан бери югураман.

Шокиржон ўзи ҳам ажойиб йигитча экан. Бир гапириб, ўн кулади. Велосипедда аввал Ўзбекистонни, кейин жаҳонни кезиб чиқаман деган, оғзидан «лоп» этиб чиқиб кетадики, бенхтиёр ҳазиллашяпти деб ўйлайсан. Ҳомийлар ҳақида сўрадим. Улар — ТошДД. Ёшлар Иттифоқи қўмитаси, Ўзбекистон спорт қўмитаси, «Ўзбексаёҳат» ташкилоти экан.

— Шокиржон, еб-ичар, ётар-турар деган гап бор?

— Вилоятларда овқатланишим учун махсус талонлар беришди. Ётоғим эса — саёҳатчиларнинг одамнинг танасига мослаб тикилган «копи» бўлади. Ичига кирволиб, замокларини тортасан-у, қотасан! Йигит кишига бу ишлар нима гап. Асосийси — мақсадда. Чет эл хабарларини ҳеч эшитасизми? Ўшанда кимнингдир нима учундир тоққа арқонсиз, ёрдамсиз чиққани, пиёда давлат кезгани, мамлакатининг тарихий санасига бағишлаб, гугуртлардан уй қургани ҳақида кўплаб мисоллар келтирилади. Мен ҳам ушбу «юришимни» Ўзбекистон мустақиллигига бағишладим.

Шокиржон билан борган катта марказлардан тинчлик ва дўстлик ҳақида ёзилган мактубларимга имзо қўйдириб, ёдгорлик сифатида сақлаб қолишни сўрадим. Ҳаммаси ваъдага қолди. Ҳеч ким ёзмади. Ёзишмоқчи бўлишмади. Ҳеч ким ҳеч нарса. Ҳеч ким ҳеч нарсага ишонмаяпти. Ҳаммаси ўзини ўзи ўйлаяпти. Ҳаммаси ўзини ўзи ўйлаяпти. Ҳаммаси ўзини ўзи ўйлаяпти.

Юлдуз АБДУОЛИМОВА.

«Олтин давр» ҳангомалари

АЪЛОЧИНИНГ АҲВОЛИ

Автобус курсисида қари момо ўтириб кетяпти. Теппасида қовурғалари саналгудек талаба ҳорғин уф тортади.

— Ўғлим, намунча озиб кетдинг! — сўрайди момо.

— Кўп ўқиш керак, дарс кўп беришяпти... — жавоб беради талаба.

— Аълочи бўлсанг керак-а!

— Йўқ.

Момо талаба йигитнинг қўлидаги ёмғирпўшига қараб, деди:

— Болағинам, сенга ёрдамим тегсин. Қўлингдаги ёмғирпўшингни берақол.

— Моможон, бу ёмғирпўш эмас, — жавоб беради йигитча, — Бу курсдошим Олимбой. Ҳақиқий аълочи шу.

ТАЛАБАЛАР УЧУН СОАТ

Механика факультетида ажойиб қўнғироқли соат ихтиро қилинди. Биринчи ўн дақиқада у оддий уйғотқич соатлар сингари жиринглайди. Кейинги ўн дақиқа давомида коннотга парвоз учун ҳозирланаётган фазо кемасининг овозини чиқаради. Ундан кейинги икки дақиқада — факультет деканининг овозини...

ПРОФЕССОРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Яқинда машҳур профессор П. Д.ўзига хос юбилей тўйини ўтказди: унинг маърузаларига 100 мингинчи талаба келмаган!

«ХАЙРЛИ ТУН»

Битта талаба эрта тонгда ўз домласи билан «Хайрли тун» дея саломлашар экан. Бир куни сабри тугаган профессор бундай сўрашишни изоҳлаб беришни талаб этди. Талаба эса: «Домлажон, сизни кўрсам, кўз олдим қоронғулашиб кетади» деб жавоб қилди.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚОТИРМА

(Инглиз талабаларининг айтими)

Қанчалар кўп ўқисак, шунча кўп биламиз. Қанча кўп билсак, шунча кўп унутамиз. Қанчалар кўп унутсак шунча кам биламиз. Қанчалар кам билсак, шунча кам унутамиз. Қанча кам унутсак шунча кўп биламиз. Хўш нима учун ўқийимиз?

ЭЪЛОН

«Имтиҳондан аввалги бир туним ни, имтиҳондан сўнгги бир кунга алмаштирамам».

БИЛАҒОН

— Юрагингиз чет эл соатидек ураяпти, яхши, — деди тиббиёт институти талабаси шифохонада амалий машғулот ўтар экан.

— Дўхтир, чап қўлимни кўринг, ўнг қўлим гипсда-ку...

ИЛМИЙ ИШ

Талабалар илмий жамиятининг аъзоси Олимбой Бўтаевнинг ҳисоботи катта илмий ғалаба, ўзига хос муваффақият ва кашфиёт саналди. У киши баҳорги ўқув мавсуми давомида 403-аудитория деразаларини олдидан кам эмас, кўп эмас, нақ 3845 дона қарға учиб ўтганини аниқладн. Бу ўтган йил учиб ўтган қарғалардан 163 дона кўпдир.

Ёш истеъдодлар

Ҳали тонг отмаган, ой ва юлдузларнинг нурля жилоси миноралар узра ёйилиб турарди. Атрофда сокинлик, бутун бошли шаҳар тонгини қаршиламоқда эди...

У мана шундай кезда ёлғиз, қўлида тор билан нақшидор обидаларга термуларди, гўё улар орасида жило, сеҳр бор-ки, қоғозга алланарсаларни туширади.

— Қадим ва қазин тошлар ичра куй, оҳанг ахтараяпман. Шерозий бобомнинг, Комилжон аканинг дилтортар куйларини, «Алиқамбарни» эшитгандай бўламан, ўзим ҳам қўшиқнинг боқинлигига ишонч ҳосил қиламан.

Таниқли хонанда, классик қўшиқларнинг моҳир ижрочиси, хоразмликларнинг фахри ва эъзози Фарҳоджон Давлетов билан суҳбатимиз шу тариқа бошланди.

МОЗИЙНИ

— Фарҳоджон тўғри айтдингиз, Яхши қўшиқнинг умри тугамайди. Ўтмишини улуғлаган, санъатига, маданиятига сажда қилган одам ҳам кам бўлмайди. Айтинг-чи, айни саҳар чоғи ёлғиз юришнинг боиси недур?

— Жавобини ўзингиз айтдингиз. Қўшимча қилиб шуни айтишим мумкинки, қаерда ва қай маҳал юрмайин мени боболаримнинг руҳи тарк этмайди. Шу боис саҳар маҳал юришим — тонгда одамларга гўзал ва файзли ҳислар ҳукмрон бўлади, айниқса, ижод кишиси учун бунда ҳикмат кўп.

— Қўлингиздаги торга қараб бир нарсани туйдим: у сизга ҳамиша ҳамроҳ. Шодлигингизга ҳам, ғамингизга ҳам шерик. Торни ҳам сайратади деган иборага қўшилган қолда уни ясаган усталарнинг заҳматкашлигига тасаннолар айтгимиз келади. Айтишларича, тор устанинг қўлида ярим йилда дунёга келаркан.

— Тор созланданинг юраги. Усталар бизнинг борлиғимиз. Лекин афсуски, уларнинг шарафли касбини улуғлаганимизча йўқ. Мен буни очиқ айтаман. Чунки торни ўзи ясаган санъаткорни эслай олмайман. Айтмоқчиманки, Хоразмда мусиқа асбоблари устахонасини очиш фурсати етди. Чунки Хоразм бу санъаткорлар юрти. Демак, мусиқа асбоблари излаб, тентирабд ҳар қаёқларга бориб юрмасдан шу ерда тайёрлашга эътибор бериш керак.

— Сиз машҳур хонандалар ота-инилар Ота Ших ва Жумми Шихлар авлодидансиз. Илк сабоқни улардан олган бўлсангиз ажабмас.

— Ҳақиқатан ҳам санъаткорлар, ижодкорлар авлодиданман. Турмуш ўртоғим Розахон ҳам халқ шоири Қурбон отанинг невараси, санъат шайдоси. Қолаверса, фарзандларим Дилдора, Сухротбекларнинг санъатга ихлоси баланд. Боболаримдан кўп нарса ўргандим. Гарчи улар ҳазил қўшиқларга уста бўлса-да, менга мақом йўлларини, айниқса, ёна ҳозирлаяпсиз!

— Яқинда ҳокимимизнинг матбуотда эълон қилинган мурожаатини ўқидим. Кейин ўзимга-ўзим савол бердим. «Хўш, сен Хива учун нима иш қилдинг?» Шунда мен ҳали халқим олдида анча қарздор эканлигимни англадим. Ниятим тўйга яхши дастур тайёрлаш, янги қўшиқлар яратиш. Бир истагим Хива фонди учун хайрия концертларида иштирок этиш. Мутасадди кишилар бундай хайрли ишга бош қўшсалар, ёш санъаткорлар, барча халқ дасталари ўз маҳоратларини аямайдилар. Менимча, муаллимлар, тиббиёт ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрловчи билим юртларида, кинотеатрларда, қишлоқ ўйингоҳларида хайрия концертлари берилса бунинг савобига не етсин.

...Офтоб оламга мунаввар нурларини тортиқ этди. Азим кўкиш, мовий миноралар жилоланди. Суҳбатимиз Паҳлавон Маҳмуд мақбараси олдида ниҳояланди. Бир оз сукут сақлаб пиримизни зиёрат қилдик. Фарҳоджонни биламиз, авлодлар руҳи қўллаб, халққа куйламоққа ошиқмоқда. Куйлайвер, қўшиқ умрини боқий қилаётган шу табаррук замин ўғлони.

Суҳбатдош М. ШЕРБЕК.

КУЙГА СОЛИБ..,

«Сувора», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Насруллойи» қўшиқларини ўргатишган. Ўзим ҳам эъзозли ва ардоқли шоирларимиз Ошиқ Эркин, Зарифий, Жўшқин ижодиётига мурожаат қилиб, кўпгина янги қўшиқлар яратдим.

— Мана шу қутлуғ диёрда, буюк алломалар ўтган жойда туғилганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Тез орада шу азим қалъанинг, етти иқлимгача маълум ва машҳур бўлган муаззам Хиванинг 2500 йиллик муборак тўйини нишонлаймиз. Тўйга қандай тўнинг қуйидаги гаплари билан якунламоқчиман. «Вақт келадики, одамзод темир уйинчоқларга берилиб кетади, ҳатто шу уйинчоқлар улар наздида худо ўрнини босади. Бошсиз аҳмоқлар истилоси юз беради, натижада худога эътиқод руҳияти ўрнини аллақандай бемаъни нарсалар эгаллайди. Осмон кенгликларини темир қушлар ишғол этади. Одамлар ғаройиб ойна уйлаб топишадики, унинг ёрдамида узоқ масофалардан ҳам бир-бирини кўриб, бир-бири билан мулоқотда бўлаверади. Темир устида юрадиган барча томони ёпиқ амфибиялар ер юзини ўргимчак инидек қамраб олади. Олов ва буғ билан ҳаракатга келадиган темир қайиқлар пайдо бўлади. Оптик кўз билан янги юлдузлар очилади. Бироқ, темир уйинчоқлар қанча кўп бўлса, шунча кўп уруш бўлади, одамзотнинг бўлиниши, тарқоқлашиши юз беради, бир-бирига зулмкор бўлади, табиатдан узилиб қолади ва натижада табиат ундан ўч олади. Ҳаво, ер заҳарланади. Айрим денгизлар ўлади, кўллар ботқоқликка айланади».

— Хўш, нима қилишимиз керак!

— Худога қайтишимиз даркор. Кўнгилларимиз, эътиқодимиз ҳақида қайғуришимиз, фақат яхшилик уруғини сочмоғимиз керак, табиатни тақкирлашни тўхтатишимиз шарт.

[«Врачная газета»нинг 1993 йил 4-сонидан қисқартирилиб ўгирилди].

Энди «Мерседес»да юрамиз

«Фарғонатранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси жаҳонга машҳур «Мерседес-Бенц» фирмасида ишлаб чиқарилган ва унинг Туркиядаги корхоналарида йиғилган юмшоқ ўринли 9 та автобус сотиб олган эди. Бугун ана шу русумдаги автобуслар 1-йўналиш бўйича йўлга чиқди. Тошлоқ автобус-таксомотор парки, Фарғонадаги 9-ва Қўқондаги 10-автобус паркларига учтадан «Мерседес-Бенц» автобуслари топширилди.

— Мазкур автобусларнинг бошқалардан фарқи шундаки, у кам ёқилғи сарфлайди, йўловчилар учун жуда қулай, — дейди «Фарғонатранс» бирлашмаси бошлиғи Маҳмуджон Жўраев. — Автобус салонида 54 та йўловчи ўриндиқлари мавжуд, совутгичлар, ҳайдовчи билан алоқа телефонлари жойлашган.

Яқинда фарғоналик тўрт нафар мутахассис Туркияда ўз малакаларини ошириб қайтишган эди. Шу куни автобус паркларига тарқатилган хорижий автобуслар шаҳарлараро йўналишларда йўловчиларга хизмат қилишни бошлади.

Рустам БОЙ МУҲАММАД.

(Ўз мухбиримиз).

Жиноятчиликка қарши кураш — барчанинг бурчи

«Ё УЛАР, Ё БИЗ!..»

Республикамизнинг барча жойларида Президент Каримовнинг топшириғига асосан жиноятчиликка қарши кескин кураш давом этяпти. Жойлардаги маъмурий органларнинг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бораётган қатъий ҳаракатлари туфайли халқ осойишталигига раҳна солиб келган қатор жиноятчи гуруҳлар фош этилиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам ҳуқуқбузарларга қарши кураш авж олган. Аҳоли, айниқса, вилоят ички ишлар бошқармасининг жиддий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турибди. Мухбиримиз яқинда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Шукрулло РЎЗМАТОВ билан учрашиб, муштарийларни қизиқтираётган саволларга жавоб беришини илтимос қилди.

— Шукрулло ака, Сиз билан ўтган гал уюштирган мусоҳабамиз Фарғонада жиноятчиликка қарши кураш эндигина авж олаётган кунларда кечган эди. Бугунги аҳвол қандай вилоятингизда?

— Аввало, шуни таъкидлаб ўтишим керакки, вилоятимиз аҳолиси тинч-осойишта яшаяпти. Кенг кўламда бошлаб юборилган курашни халқ билан биргаликда давом эттираяпмиз. Бу соҳадаги ҳаракатларимизни бир зум ҳам сусайтирмаймиз. Озгина хотиржамликка берилиш бу бизнинг ишимизда қимматга тушиб қолиши турган гап. Уюшган жиноятчиларни фош этиш, қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишдаги турларига чек қўйиш мақсадида бор имкониятимизни ишга солганмиз. Яқинда вилоят ҳокимияти ташаббуси билан бошқармамиз ихтиёрига Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 20 та «Тико» русумли автомашина берилди. Ходимларимиз ўртасида туну-кун, узлуксиз навбатчиликни йўлга қўйганмиз. Куни-кеча Олтиариқ туманига «ин» қурган бир гуруҳ ашаддий жиноятчиларни, зўравонлик билан кўпчиликнинг турмушига хавф солаётган тўдани фош қилдик.

— Яқинда ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Жиноят жазосиз қолмайди» кўрсатувида Сиз жиноятчилар билан курашишдаги ўзингизни жиддий нуқтаи назарингизни билдириб, «бундан бу ёғига ё биз ишлаймиз, ё улар» дедингиз. Илгари ҳеч ким бунчалик қатъий хулосасини айтмаган эди... Одамлар сизнинг гапингизни микрофон олдида ҳаяжонланиб кетиб гапириб юборди шекилли деб ўйлашди.

— Йўқ, ҳаяжонланганим йўқ. Кўнглимдаги гапни айтганман. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ўша фикримдан қайтмайман. Чунки, халқ жиноятчилардан безиллаб бўлган, тиғ суякка етди? Энди муросасозликка ўрин йўқ. Мен бугун шундай масъулиятли вазифа эгаси эканман, ўз қўл остимдагилардан ҳам шуни талаб қиламан. Имкониятимиз ҳам, кучимиз ҳам етарли. Ҳар қандай жиноятчининг танобини тортиб қўйиш қўлимиздан келади.

...Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Фарғона милициясининг хулосасини ўз қўли билан ёзиб берди. «Яна одамлар бу гапларни мухбир ўзи қўшиб қўйган деб ўйлашмасин, яхшиси ёзиб бера қолай» деди:



Ҳозирги шароитда давлатимиз бир шароитдан иккинчисига ўтаётган даврда ҳамма шароитларни ҳисобга олиб иш кўриш керак. Президентимиз И.А. Каримовнинг сиёсатини қўллаб қувватлашимиз керак. Бунга ҳамма-миз бурчлимиз.

Жиноятчилик билан қаттиқ кураш олиб бориш ва тағ-тагини билан қириб ташлаш керак. Бунга ҳалқимиз тинчлиги ва осойишталиги керак.

Жиноятчилик билан курашда бизнинг ягона қуролимиз Ё биз ғолиб чиқамиз, Ё улар!

Лекин биз ғолиб чиқишимиз учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳам ғайратли ишлари билан қўшилиши лозим.

Ш. Рўзматов
01.03.93 й.

Россия пойтахти ўзгарадими?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

XX аср даҳшат ва бешафқатлик асри бўлишини бундан бир неча аср муқаддам Нострадамус башорат қилган эди. Бугун сиз буюк башоратчи Мишел де Нострадамус тўғрисида железноводскдик астролог Лариса Краснолобова билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз. Л. Краснолобова неча йилдирки, мазкур мавзу билан машғул.

— Айтингчи, буюк башоратчининг башоратларига ишонса бўладими?

— Келинг, яхшиси фактларга мурожаат этайлик. Фақат шуни унутмангки, Нострадамус 1503—1566 йилларда яшаб ўтган. У Венанинг туркlар томонидан қамал қилинишини (1535 йил), Канаданинг французлар-,1553 йил), Японияниинг эса португаллар томонидан очилишини (1546), Варфоломей кечасини (1546 йил), 1582 йилда Григориан йилномасининг жорий этилишини, 1606 йили олим Галилей дунёга келишини, 1618 йилда ҳарорат ўлчайдиган асбоб (термометр) яратилишини олдиндан башорат қилган. Шунингдек, туркларнинг 30 йиллик урушини, Людовик XIV даврини, 1763 йили АҚШ мустақилликка эришишини, 1789 йилги франциузлар инқилобини ва Наполеон тақдирини ҳам олдиндан айтиб берган.

Мишел де Нострадамус XVI асрдаёқ яна шуни башорат қилганки, Галлей кометаси инсоният ҳаётига кўп бахтсизликлар ва касалликлар келтиради деган. Мана, ҳақиқатан ҳам комета Қуёш системаси чегарасига келганда СПИД касаллиги аниқланди (1981 йил). 1985 йилда эса Т деб номланган жумбоқ касаллик пайдо бўлди. Қон ҳосил қилувчи органларнинг касалланиши — лейкоз бугунги кунда бутун сайёрамизнинг муаммоси бўлиб қолмоқда.

Нострадамус 1917 йилги инқилобни, унинг оқибатларини, Ленин, Сталин, Гитлер ишларини атом бомбасининг яратилиши ва унинг оқибатларини, инсониятнинг коинотга учишини, америколикларнинг ойга қўнишини олдиндан айтиб берган. Булардан ташқари ҳозирги кунда ерга ўзга сайёраликларнинг ташриф буюришини ҳам, атом ҳалокатини ҳам (Чернобиль фожиаси бунга мисол), озон туйнуги пайдо бўлишини ҳам башорат қилган эди. Нострадамуснинг бизнинг — Дўзоҳ мамлакатига тааллуқли башоратлари шу қадар аниқ ифодасини топмоқдаки, одам ҳайрон қолади.

— Тушунмадим, нега Дўзоҳ! Ахир Дўзоҳ — бу жаҳаннамку!

— Нима, ҳозир инсоният жаҳаннамда яшамаяптими, унинг кўрган-кечирганлари дўзоҳ эмасми?

— Нострадамус келажак ҳаёт тўғрисида нима деган!

— Катта тошқин хавфи борлиги ҳақида гапирган. 2032 йилда Англия, Голландия, Дания, Финляндия ҳудудларининг бир қисмини аста сув босади ва бу жараён 2060 йилга келиб тўхтайди.

Тахминан 2003 йилдан мамлакатларимиз аҳолиси маънан жуда юксалади. Бу эса бошқа давлатлар орасида ўз ўрни ва мавқеи баланд бўлишига имкон яратади. Табиий офатлар эса 57 даврда деярли бўлмайди. Фақат 2023 йилга келиб, уларнинг сони ортиб кетади ва ҳатто ер юзида инсоният йўқолиб кетиши хавфи туғилади, бироқ, Аллоҳ таолло ҳисларни асраб қолади.

1999 йил ҳақида (7-ойи) Нострадамус шундай ёзган эди: «Осмондан улуғ ва ҳайбатли ҳукмдор тушади — улуғ қиролни қайта тирилтирмоқ учун». Айнан шу даврда янги Христос ва янги Даккол туғилади.

Россияда улуғ ҳукмрон ҳукмдорлик қилган Христиан дунёси қайта туғилади. Бу ҳукмдор фазовий бир кун (72 ер йилига тенг) давомида халқни бошқаради.

Нострадамус фикрича, 2023 йилда дунёда икки кучли ҳокимият устунликка эришади: «Славянлар» ва «Англия Европа». Ерликларда кучли ўзгаришлар юз беради. Бутун дунёда мусулмонлар империяси тузилишига ҳаракат қилинади. Бироқ, славянлар тўсқинлик қилади. Христианлар яҳудийлар билан бирлашади.

2170 йил — даҳшатли қурғоқчилик. Одамлар ўзга сайёраларга кўча бошлашади.

2170—2250 йиллар — Ер фалокати юз беради.

3797 йил — Ерда ҳаёт тугайди.

— Россия тақдири қандай кечади!

— Москва пойтахти бўлмайди. 1994 йилда уни катта қийинчиликлар кутмоқда, кескин ўзгаришлар юз бериши мумкин ва марказ Новгородга кўчади. Петербургнинг эса келажаги порлоқ.

Киевликларда маънавий ва руҳий қайта юксалиш юз беради. 1994 йилдан янги эркин «зона» тузиладики, унга Петербург, Новгород, Виборг, Сахалин, Приморья ўлкаси киради. Украинада гетман ҳукмронлик қилади. Болтиқбўйи республикалари ичида Латвиянинг келажаги юксак.

1996 йилдан Россияни 7 йил давомида янги ҳукмрон бошқаради. Бу пайтда халқнинг аҳволи яхшиланади.

Мен сўзимни Нострадамуснинг қуйидаги гаплари билан якунламоқчиман. «Вақт келадики, одамзод темир уйинчоқларга берилиб кетади, ҳатто шу уйинчоқлар улар наздида худо ўрнини босади. Бошсиз аҳмоқлар истилоси юз беради, натижада худога эътиқод руҳияти ўрнини аллақандай бемаъни нарсалар эгаллайди. Осмон кенгликларини темир қушлар ишғол этади. Одамлар ғаройиб ойна уйлаб топишадики, унинг ёрдамида узоқ масофалардан ҳам бир-бирини кўриб, бир-бири билан мулоқотда бўлаверади. Темир устида юрадиган барча томони ёпиқ амфибиялар ер юзини ўргимчак инидек қамраб олади. Олов ва буғ билан ҳаракатга келадиган темир қайиқлар пайдо бўлади. Оптик кўз билан янги юлдузлар очилади. Бироқ, темир уйинчоқлар қанча кўп бўлса, шунча кўп уруш бўлади, одамзотнинг бўлиниши, тарқоқлашиши юз беради, бир-бирига зулмкор бўлади, табиатдан узилиб қолади ва натижада табиат ундан ўч олади. Ҳаво, ер заҳарланади. Айрим денгизлар ўлади, кўллар ботқоқликка айланади».

— Хўш, нима қилишимиз керак!

— Худога қайтишимиз даркор. Кўнгилларимиз, эътиқодимиз ҳақида қайғуришимиз, фақат яхшилик уруғини сочмоғимиз керак, табиатни тақкирлашни тўхтатишимиз шарт.

[«Врачная газета»нинг 1993 йил 4-сонидан қисқартирилиб ўгирилди].

ИЛМ ҲАФТАЛИГИ

Шу кунларда Тошкент кимё-технология институтида профессор-ўқитувчи, аспирант, илмий ходим ва талабаларнинг илмий-назарий ва техникавий анжумани иш бошлади. Ушбу тадбирда иштирокчилар саноатнинг кимё, озиқ-овқат йўналишлари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, унинг иқтисодини яхшилаш борасида олиб борилаётган изланишларни кенг муҳокамага қўйишди. Конференция ишида республикамиз саноат корхоналари мутасаддилари ва бошқа олий ўқув юртлари олимларининг маърузалари ҳам тингланади.

Конференциянинг тантанали очилиш маросимида институт ректори, профессор Т. М. Миркомилов илм даргоҳларида олиб борилаётган ишлар, талаба ва ўқитувчиларнинг илмий изланишлари ҳамда ютуқлари хусусида кенг маълумот берди.

Ўйлаймизки, ана шундай илм ҳафталикларини мунтазам ўтказиш мустақил давлатимиз фан тараққиёти ривожига ҳамда янгидан-янги илм соҳибларини кашф этишга қўшилган ҳисса бўларди.

Фурқат МАҲМУДХЎЖАЕВ.

ҲОВЛИДАГИ ПОРТЛАШ

Сирдарёдаги Чехов кўчаси ҳовлиларидан бирида граната портлаб, шу ерда ўйнаётган саккиз яшар қиз ҳалок бўлди, жароҳатланган синглиси эса касалхонага келтирилди. Кейинчалик терговда аниқланишича, ўша куни кечқурун ҳеч қаерда ишламайдиган икки тақасалтанг жанжаллашиб қолишган. Улар олдин кўчада даҳанаки жанг қилишди, сўнгра уй ичасида жанжални давом эттиришди. Шу ерда жанжалкашлардан бирининг қўлида жанговар граната пайдо бўлди. Чамаси безорининг ўзи қўрқиб кетиб, гранатани ҳовлига улоқтирди. У гранатани қаердан олган экан? Тергов ҳозир айни шу масалани аниқламоқда.

Келгуси сонда:

- ҚУНБОТАРДА БИР БАҲОДИР БЎЛАЙИН...
- ПИСТА ЧАҚИЛАДИГАН КИНОТЕАТР
- СУВ ҚАЧОН ЗАР БЎЛАДИ?

Газета саҳифаланаётганда:

МАХСУС МУХБИРИМИЗ ҚУЙИДАГИ ХАБАРНИ ОЛИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон саноат банки. Ойнинг охири бўлганигами, ташкилот, корхоналарга маош олиш учун ҳисобчилар туйнук олдида қаторлашиб туришарди. Навбат борган сари узайиб борар, негаки, пул санаш жараёни узоқ давом этарди.

Қайсидир корхонанинг ҳисобчиси — рус аёли бир пайт ҳовлиқиб, саросимада келиб қолди. У ярим соатлар аввал пул олиб чиқиб кетганди. Туйнукка яқинлашиб, кассир аёлга нимадир тез-тез тушунтирди. Сўнг ичкарига кириб кетди. Туйнук ёпилиб, пул тарқатиш тўхтатилди. Одамлар орасида ғала-ғовур бошланди. Ҳамма ўзича тахмин қиларди.

Яна ярим соатлар ўтиб ичкаридан ҳалиги икки аёл ҳам чиқиб келди. Банк ходимаси ҳаяжонланар, чуқур-чуқур нафас оларди. У қувончини яширолмай, тахминларга чек қўйди. Маълум бўлишича...

...Қайтиб келган аёл кассир хотин янглишиб бериб юборган ортиқча пулни қайтариб берибди. Санаб кўришса ортиқча пул 400 минг сўм экан.

Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, «Туркистон» жамоаси, Жумҳурият Журналистлар уюшмаси Узбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Ш. Шоғуломовга ўғли

Алишер Исломович ШОҒУЛОМОВнинг

фожеали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, «Туркистон» жамоаси, Жумҳурият Журналистлар уюшмаси Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Ш. Шоғуломовга ўғли

Эркин Рустамович ШОҒУЛОМОВнинг

фожеали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ЛИМАН транс Ко» фирмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори И. Ш. Шоғуломовга ўғли

Алишер Исломович ШОҒУЛОМОВнинг

фожеали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (масъул котиб), С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ва "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 56

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—232. 64562 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 19.30 да